

Ушбу сонда:

2 **Ўз уйингни ўзинг асра КЎЗИМИЗНИНГ ҚАРОФИ — ВАТАН!**

3 **ЖАННАТМАҚОН БУ ЮРТ ЎЗБЕКИСТОНДИР, ФАРЗАНДЛАРИ СОДИҚ — БИР ТАҢУ ЖОНДИР!**

4 **Ўз гашии ўзгача ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ «ЛОЧИН» БАФРИДА**



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УОШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ




2001 йил 10 август, жума №123 (1137)

СЕШАҢБА, ЧОРШАҢБА, ЖУМА ВА ШАҢБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ

Ўтиб бораётган ҳар бир кун бизни энг улуг, энг ардоқли байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига тобора яқинлаштирмоқда. Барча ерда қутлуг кунга қизгин тайёргарлик кўриляпти. Қўли гул, қутлуг қадам қурувчилар эса пойтахтимиз кўркіга-кўрк қўшаётган замонавий, ғоятда гўзал биноларни бунёд этишмоқда. Хусусан, консерватория биноси қурилиши тез суръатда давом этмоқда.

Ҳакимжон СОЛИХОВ олган суратлар.



РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ - ПОЙТАХТДА

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА, «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Бадиий академия хамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказаятган «Шу азиз Ватан - барчамизники!» фестивалида бу гал Самарқанд вилояти вакиллари самарқандча меҳмоннавозлик удумини намойиш қилди.

Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Олий Мажлис бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси А.Аҳадов, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари А.Маматов Самарқанднинг мамлакатимиз давлатчилик тарихида тугган ўрни, мустақиллик йилларида юз берган улкан ўзгаришлар ҳамда воҳада амалга оширилаётган ислохотлар жараёни хусусида гапирди.

авлоди. Нўмон қуллол ясаган сопол буюмлар бугун Америка, Япония, Венгрия, Покистон сингари мамлакатларда ўтказилаётган халқаро ярмаркаларда намойиш этилмоқда.

Вилоятда ҳозир бир ярим мингга яқин устасунареманд 30 дан ортиқ хунар тури билан шугулланмоқда. Улар орасида мустамлака йилларида унутилиб кетган хунар турларини тиклаётган моҳир ижодкорлар ҳам бор. Шаҳардаги Руҳобод мақбара-мажмуидидаги 34 хужра хунаремандлар ихтиёрига берилган.

Аёллар тўпланиб, қизиқиб билан томоша қилаётган матолар барчанинг эътиборини тортади. Хунареманд Шоира Фаниева қадимдан ўзига хос усулда тайёрлаб келинган табиий бўёқларни ўрганиб, турли гуллардан ранг олиб, матоларга безак беради.

Машҳур рассомлар Аслиддин Исаев, Мирсаид Саматов, Нуриддин Калоннинг ранг-тасвир асарлари ҳам кўргазмага ўзгача файз бағишлайди.

Залнинг каттагина қисмидан вилоятнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва қадим тарихидан ҳикоя қилувчи фотосуратлар жой олган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

В.ЛУКМОНОВ, ЎзА мухбири Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.



ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Фарғонада фермер хўжаликлари тизимида тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, ердан фойдаланиш самардорлигини ошириш, чорвачиликни юксалтириш, четта маҳсулот чиқаришни кўпайтириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманнинг Фарғонада ўтказилиши бежиз эмас. Вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликлари ишини ривожлантириш борасида яхшигина тажриба тўпланган. Ҳозир бу ерда 3 минг 486 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу йил фарғоналик фермерлар 22 минг 827 тонна дон етиштирди. Чорвачилик тизимида ҳам иқтисодий силжешлар кузатишмоқда. Чорва моллари бош сони ва махсулдорлиги кўпайди. Ердан самарали фойдаланиш, ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган 1 минг 230 фермер хўжалиги 40 минг 837 тонналик пахта хирмони уйишни режалаштириб турибди.

Вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюмиси ҳузурида фаолият кўрсатиб келаётган «Кредит иттифоқи», «Хуқуқий марказ», «Маслаҳат хизмати иттифоқи» фермерларга амалий ёрдам бермоқда. (ЎзА).

ҚўША ҚАРИНГЛАР!

Истиқлолимизнинг қутлуг 10 йиллик байрами арафасида Навоийда оилалар сони яна 15 нафарга кўпайди. Шаҳардаги «Сўғдиёна» уйингоҳида кам таъминланган оила фарзандларининг бахт тўйи кенги оилада. Унда сўзга чиққан келин-куёвларни мустақкам оила қуришга, ширин турмуш кечиришга, соғлом фарзандлар тарбиялашга чақирди.

Тадбирда ёш келин-куёвларга никоҳ гувоҳномалари топширилди. Вилоят ҳокими Ғ.Дилоловларга эҳдилик совгалари тақдим этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳомжон Фармонов дилрабо қўшиқлари билан даврага файз киритди.

Бандлик дастури амалда

Яқинда Уzun туманида меҳнат бозори ярмаркаси ташкил этилди. Унда 84 корхона, ташкилот, муассаса ва хусусий тузилмалар 317 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.


Туман аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан банд бўлиб, асосан галла, пахта етиштирилади, чорвачилик билан машғул кишилар ҳам талайгина. Шунинг учун ҳам ярмаркага саноат корхоналари вакиллари кўпроқ тақлиф этилди.

Унда қатнашган 230 кишининг деярли барчаси янги иш ўрнига эга бўлди. Вояга етмаган тўққиз нафар ёшга ҳам омад қилиб бокди. Жумладан, қурилиш корхоналарига 57 фуқаро, қабул қилинди, Амир Темур ширкат хўжалиги

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» Республика ярмарка савдо марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида IX жаҳон чемпионатининг очилиш маросими бўлди.

Ўн йил муқаддам юртимизда бундай нуфузли мусобақани ўтказишни тасаввур қилиш мушкул эди, - деди тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов. - Бугунги кунда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ва олимпия ҳаракатини янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 1997 йилдан буён эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» баҳслари зўр муваффақият билан ўтказиб келиняпти.



Бундай нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш катта масъулият талаб этади. 125 мамлакатнинг кураш уюшмаларини бирлаштирган Халқаро ҳаваскорлар кураши федерацияси - ФИЛА ишончини оқлаш учун йирик мусобақаларни юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш имкониятларини кенг қўламада намойиш қилиш керак.

Ўзбекистонда спорт курашлари уюшмаси ташкил этилгандан буён жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтказишга эришишга ҳаракат қилди. ФИЛА ишончини қозонишда «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақасининг юқори савияда ташкил қилинаётгани алоҳида аҳамият касб этди. Ваҳоланки, бу турнир бугунги кунда «Гран-при» туркумидаги энг яхши беш мусобақадан биридир.

Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришяётган муваффақиятлари ҳам мамлакатимизда спорт ва олимпия ҳаракати тобора тараққий этиб бораётганидан далolat бермоқда. Хусусан, Адхам Очилов, Дамир Захардинов, Расул Катиновасов, Артур Таймазов, Баҳодир Қурбонов, Дилшод Орипов ва Руслан Биктязов каби иқтидорли спортчиларимизнинг рейтинг бўйича ўз вазн тоифаларида 2000 йилнинг энг яхши полвонлари ўнлигидан жой олганини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Тошкентда ўтадиган мазкур жаҳон биринчилигига эллиқдан ортиқ мамлакатнинг олти юздан зиёд спортчиси ташриф буюрган. Чемпионатда бундай кўп спортчининг иштирок этиши баҳслар қизгин ва муросасиз ўтишидан дарак беради. Мухлислар шундай кучли рақобатда ёш полвонларимизнинг муваффақият қозонишига ишонмоқда. Мураббийларимиз эркин кураш бўйича Д.Мансуров, Б.Қосимбетов, Б.Эрматовга, юнон-рум кураши бўйича эса М.Мадамминов, Т.Фатхуллин ва С.Наврўзовга катта умид боғлаган.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ўтказилаётган бу мусобақа 13 августгача давом этади.

Мусобақанинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва ФИЛА вице президенти М.Биро иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

ўрта бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Натижанда шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 54 нафар киши яқка тартибдаги меҳнат тури билан шугуллана бошлади. 75 нафар қандай касб ва даромад ланбаига эга бўлмаган қишлоқ энг кам иш ҳақи миқдориди нафақа тайинланган. Олти ой мобайнида бундай кишилар ишга жойлаштирилади ёки ўқув масканларига йўлланма олади.

Бўлимда 22 нафар тажрибали ходим меҳнат қилмоқда. Улар ўртасида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Ходимларнинг ҳар бири шу асосда ойлик ва ҳафталик иш режаларига эга. Уларнинг фаолияти қишлоқ фуқаролар йигини, маҳалла оқсоқоллари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Мехнат бўлимига мушоаат қилувчиларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Уларда касб-хунар эгаллашга бўлган қизиқиш катта эканлигини инобатга олиб, турли ўқув муассасаларига юборилмоқда. Бундан ташқари ишсизлик мақомини олган, ҳеч қандай касб ва даромад ланбаига эга бўлмаган қишлоқ энг кам иш ҳақи миқдориди нафақа тайинланган. Олти ой мобайнида бундай кишилар ишга жойлаштирилади ёки ўқув масканларига йўлланма олади.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Контракция шартномаси талабларини қимлар бажармаяпти?

ФЕРМЕРДАН АРИЗА ТУШДИ

Вилоят адлия бошқармасига Жиззах туманидаги «Шермат-ота», «Фозилбек», «Хидир-ота», «Умат-ота» фермер хўжаликлари раҳбарлари — Б.Аҳмадулов, Э.Эшмуродов, Н.Хидиров, А.Уматовлардан кетма-кет ариза келиб тушди. Мушоаатлар мазмуни деярли бир хил: тайёрловчи идора — Жиззах ун жамоа корхонаси контракция шартномасида кўрсатилган миқдордаги галладан ташқари, режадан ортиқчасини ҳам олиб кетганлиги сабабли уни жамоага қайтариб бериш сўралган.

— Мен, - дейди «Шермат-ота» фермер хўжалиги раҳбари - 2001 йилнинг 7 февралда тайёрловчи идора билан давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича контракция шартномаси тузиб, 34 тонна дон етиштириб бериш мажбуриятини олган эдим. Шартноманинг 1-банди мажбуриятини тўлиқ бажар-

дим. Шунга қарамадан, тайёрловчи жамоамизга қолиши керак бўлган 15,5 тонна галлани ҳам олиб кетди. Аини пайтда тайёрловчи уни қайтиб беришдан бош тортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддаси 2-қисми, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги Қонунининг 25-моддасига асосан «Шермат-ота» фермер хўжалиги жамоаси режадан ортиқча етиштирган 15,5 тонна галлани бозор нархида сотиш ҳуқуқига эга эди.

Аниқланишича, тайёрловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги контракция шартномалари талаблари бузилиши туманда ягона ҳол эмас. Масалан, «Фозилбек» фермер хўжалигидан 6.800 кг., «Хидир-ота»дан 15.060 кг., «Умат-ота»дан 9.500 кг. галла тайёрловчи томонидан ноқонуний олиб кетилган.

Бу билан фермерларнинг шартномасида белгиланган ҳуқуқлари чеklangаниб, «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги Қонуннинг етиштирган маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича эркин сотиш ҳуқуқини белгилловчи 15, 19-моддалари ҳамда фермерлар фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг аралашувига йўл қўйилмаслигини таъминловчи 23-моддаси талаблари қўпол тарзда бузилган.

Вилоят Адлия бошқармаси фермер хўжаликлари манфаатини қўлаб виллоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгар — Жиззах ун корхонасининг бозор нархидан келиб чиқиб, юқорида номлари зикр этилган барча фермер хўжаликлари етказилган зарар тўла ундириб берилди.

Ҳасан ИБРАГИМОВ, Жиззах виллоят Адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимининг бош маслаҳатчиси. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири. (ЎзА).

ҚОБИЛНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Италия пойтахти Римда эшитиш қобилияти пасайган спортчилар олимпиадаси якунланди. Унда 80 та давлатдан спортчилар иштирок этди. Олимпиада доирасида спортнинг 15 та тури бўйича медаллар учун кураш олиб борилди.

Ўзбекистонлик Қобил Умбоев муғлак вазн тоифасида олимпиаданинг бронза медалини кўлга киритди. Мутахассисларнинг фикрича, Қобил кўрсатган натижа жуда юқори. Чунки у 78 мамлакат вакиллари ортида қолди.

(ЎзА).

Истиклол халқимизнинг маънавий дунёсини тубдан ўзгартирди, ўз истеъдоди-ю қобилиятини намойиш этиш учун кенг имконият яратди. Мехнати қадр топди, эъзозланди. Бекиёс ғамхўрликлар боис Урганч тумани аҳли ҳам кўтаринки руҳда, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Мустақиллик йилларидаги муваффақиятлар уларга илҳом, куч-қувват бағишламоқда.

УРГАНЧ КАМОЛИ

Ўтган ўн йил давомида ислохотлар чуқурлаштирилиб, ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл очилганлиги туфайли туманда 16 та акциядорлик жамияти тузилди, 1830 та кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилди. 145 та савдо дўкони, 12 та дорихона хусусийлаштирилди.

Дехқон-фермер хўжалиқларини ривожлантириш масаласи ҳам диққат марказидан тушмади. Яхши ниятда фермер бўлман, деб мурожаат этган ҳар бир фуқарога ер ажратиб берилди. Ана шу фермер хўжалиқларида 3000 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги қарорига мувофиқ 20150 та шахсий томорқа дехқон хўжалигига айлантирилди, — дейди Урганч тумани ҳокими Раҳматулла Зоиронов. — Уларнинг 17 нафарига юридик шахс мақоми берилди. Бугунги кунда юзлаб том маънодаги ташаббускор тадбиркорлар, мулкдорлар фаолият кўрсатишмоқда. Айтиш пайтда «Султон-Марам» маиший савдо хусусий корхонаси бошлиғи Қадимбой Султонов, аккумулятор ишлаб чиқарувчи «Мини» корхона раҳбари Арслон Қаландаров, Юқорибог қишлоғидаги «Баҳром» фермер хўжалиги бошлиғи Марк Раҳмонов, Юқоридўрман қишлоғидаги кичик корхона раҳбари Каримбой Абдуллаев сингари тадбиркорлар номини бутун воҳамиз аҳли ҳурмат билан тилга олади.

Қишлоққа sanoatни олиб кириш бугуннинг энг долзарб вазибаларидан биридир. Ўтган йил охирида Гойбу қишлоғидаги Сотим Қаландаров номли ширкат хўжалигида Исроил давлатининг «Марав» фирмаси технологияси асосида бир кеча-кундузда 2 тонна сутни қайта ишлаб, 8 турда маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик завод қурилди. Қувончлиси, бу маҳсулотлар борган сари харидорғир бўлиб бораёпти. Фақат шу йилнинг олти ойидагина ушбу кичик

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ушун моддий ёрдам курсатади, таътил пайтлари сихатгоҳларда дам олишини таъминлашга ҳаракат қилади. У нафақат меҳнаткашнинг ўзига, балки фарзандларига ҳам меҳри-

корхона 4 миллион сўм соф фойда кўрди...

Чет эл сармоядорлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинаётганини таъкидлаш


жоиз. Масалан, туркиялик тадбиркорлар билан Бургаликда «Хоразм-Нуртоп» кўшма корхонасини Мустақиллик байрами кунда ишга туширишга тайёргарлик кўриляпти. Энг муҳими, корхона иш бошласа, 200 нафардан зиёд фуқаро янги иш ўринларига эга бўлади.

Ҳаётимиз, турмуш тарзимизнинг ўзгариши, қишлоқларимизнинг чирой очиши, муҳташам иншоотларнинг қад ростлаши, sanoat корхоналарининг барпо этилиши... Буларнинг бари иқтисодий омилларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Асосий даромад эса қишлоқ хўжалигидан келади. Мана, икки йилдирки, сув тақчил бўлиб, дехқонларимиз қишлоқ хўжалик эканларидан қўнғилдагидай ҳосил ололмаётдилар. Аммо улар табиат келтириб чиқараётган кийинчиликларни барта- раф этишяпти. Ҳар бир урганчлик муҳтарам Президентимиз, ҳукуматимиз мададини қалбдан ҳис қилмоқда. Шу боиски, пилла ва галла этиштириш бўйича амалдаги йил шартнома режалари ошириб бажарилди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик эканларининг ривожини яхши

Навоҳор туманидаги «Янгиқўрғон» қишлоғи кундан кунга ободонлашиб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда ишлаб чиқариш цехлари, дўконлар қад ростлади. Яқинда «Янгиқўрғон»да яна бир кўркам иншоот — супермаркет қуриб битказилди. Айтиш пайтда мазкур савдо мажмуи қишлоқ аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Суратларда: сотувчи Дилдора Қаландарова; супермаркетнинг умумий кўриниши.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



бондир. Туманимизда ислохотларнинг изчил амалга ошишида тармоқ касабга уюшма ташкилотларининг ҳам ўз ўрни бор.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲАҚИҚИЙ ТАДБИРКОР ТОШДА ГҮЛ УНДИРАДИ

дейди тўйтепалик Равшан Аширматов

Равшан техникумни тугатгач, «Тўйтепасув» бирлашмасида уста, кейин эса тумандаги гишт ишлаб чиқариш цехида ишлаб бошлади. У «Қани энди ишларни юриштириб юборасан, ишчиларнинг кўрагига шабада тегсан», деб ўйларди.

Унинг бу орада респуббликамиз мустақилликка эришгач, рўёбга чиқди.

— Бу ишга қўл уришдан олдин обдон ўйладим, — дейди Равшан, — заводни хусусийлашти-

риб олсам, кейинчалик қийналиб қолишим мумкин эди-да. Бунинг устига завод ишчи-хизматчиларига ойлики ўз вақтида бериш керак, маҳсулотни реализация қилиш, хом ашё... Унинг бу ик-

ҳўжалик маҳсулотлари учун яшиқ ишлаб чиқарилмоқда. — Хозирча эшик, дераза ёки ёғоч маҳсулотларига буюртмалар келиб турибди, — дейди цех устаси Баҳодир Рўзимов. — Ойлик маошимиз ошиб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам давр руҳини ҳис этган ва шунга яраша иш тутган тадбиркорнинг омади юришаварар экан. Равшан Аширматов бу йил ҳам қатта бир ишга қўл урди. Ўрта Чирчиқ туман «Туябўғиз» кўрғонидagi Темир бетон буюмлари заводида қарашли, анчадан бери фаолият кўрсатмаётган болалар оромгоҳини хусусийлаштириб олди.

Дастлаб ташландик ҳолга келиб қолган оромгоҳни таъмирдан чиқариб, болаларни қабул қиладиган даражага келтиришнинг ўзи бўлмади. 15 июл кун «Мовий денгиз» оромгоҳи 140 нафар болани қабул қилиб олди. — Оромгоҳ шундай тез фурсатда таъмирдан чиқарилиб, шай ҳолга келтирилишига кўпчилик ишонмаганди, — дейди Тошкент вилоят кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабга уюшма кўмитасининг расиси Дилбар Султономуродова, — лекин инсондаги ташаббус, ғайрат-шижоат мана шундай вақтда синондан ўтар экан.

Айни кунларда тўйтепалик тадбиркор оромгоҳи барча ётоқхоналарини сифатли таъмирдан чиқариб, йил давомида ишлайдиган сихатгоҳга айлантириш орузида. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шу ернинг ўзида этиштирилмоқда. Келгусида эса чорва моллари сотиб олиб, гўшт ҳамда сут маҳсулотларини ҳам сероб қилишмоқчи.

У турли ташкилотларга ҳомийлик ёрдамини ҳам кўрсатмоқда. Чунки Тўйтепадаги Ойбек маҳалласида «Наврўз» байрамнинг ўтказилишига бош-қош бўлди. 5-болалар бoғчасига 50 минг сўмлик маблағ ўтказилди. «Мовий денгиз» оромгоҳида эса тумандаги ўнлаб ҳам таъминланган оила фарзандлари бепул хордиқ чиқаришмоқда.

Неъмат РАФИКОВ, «Ишонч» мухбири.

Тақдимот

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий марказида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Ишонч» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази (Каунтерпарт Консорциум/ЮСАИД) ва Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга давлат ҳокимияти органлари, шунингдек халқаро ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

МУҲИМ ҚҮЛЛАНМА

Мазкур китоб мамлакатимизда фаолият юритаётган Ўзбекистон Кўмаклашув фонди Очқ ҳамоият институти (СОРРОС) ҳомийлигида Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази томонидан тайёрланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунининг моддама-модда шарҳига бағишлангандир. Китобда қонун моддаларининг моҳияти ва амалий жиҳатдан қўлланиш имкониятлари ва унинг ўқи бу моддасида мужасам бўлган янгиликлар акс этган.

Китоб ҳозирча рус тилида чоп этилган бўлиб, уни ўзбек ва инглиз тилида чоп этиш мақсадида амалий ишлар олиб бормоқда.

Х АБДУЛЛАЕВ, «Ишонч» мухбири.

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНДИ

Фарғонада мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан - барчамизники!» мавзусидаги фестивал давом этмоқда. Ундан вилоят аҳлининг мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги, sanoat, медицина, халқ таълими соҳаларида эришган ютуқлари, одамлар турмуш тарзи, маданияти ва маънавиятидаги ўзгаришлар, ёшлар ҳаёти, мустақил тузум даврида унутилган, истиқлол туфайли қайта тикланган қадим урф-одат, аъёнлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ранг-баранг тадбирлар ўрин олган.

(ЎЗА).

Ўз уйингни ўзинг асра КЎЗИМИЗНИНГ ҚАРОҒИ – ВАТАН!

Бу ёруғ жаҳонда энг кераклиси саломатлик, тинчлик-хотиржамлик. Зеро, осуда ҳаёт, баҳамжихатлик бўлсагина инсон ўз орузига эриша олади. Бахтга қарши, Ўзбекистон истиқлоли, шу бахтли ҳаётимизни кўролмаётганлар ҳам йўқ эмас. Бугунги кун ҳар бир фуқародан огоҳ бўлишни, мустақиллигимизни кун сайин мустақамлашни, ўз уйимизни ўзимиз қаттиқ туриб асрашимизни тақозо этади.

Ншон тумани чегара худуд ҳисобланади. Бу ерлик ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фуқаролар тинчлиги, оқсоғиш ҳаётини таъминлаш йўлида ибратли тадбирларни амалга оширишмоқдалар. Улар шарҳ ва қишлоқлар, маҳаллалар, хонадонларда тез-тез бўлиб, Ўзбекистон Р е с п у б л и к а с и

Конституциясининг моҳияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш борасидаги вазибаларни кенг тушунтиришмоқдалар.

Истиқлол неъмат — ҳур ҳаётимизни кўролмаётган ганимларни фoш этиш, она заминимизни меҳнаткаш халқимизни қора кучлардан асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Кузатишлар шунки кўрсатмоқдаки, омма ўртасида олиб борилаётган кенг тушунтириш ишлари, давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилган кенг маънодаги инсонпарварлик, бағрикенглик билиб-билмай ярамас оқимлар таъсирига берилган ёшларнинг кўзини очди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Бирок, беш панжа баробар бўлмаганидек, ҳаёт сўқмоқлари ҳам бир текис

эмас. Ношуқурлар, номардлар, тузимизни ичиб, тузлуғимизга тупурувчилар топилди туради. Олиб борилган тадбирларда бунга ишонч ҳосил қилинди. Масалан, «Оқ олтин» жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи О. Маматовнинг ярамас варақалар тарқатиш билан шуғулланаётганлиги фoш этилди. Очқ мулоқот чоғида у айбига иқдор бўлди. Бу ношуқур бандга устидан жиноий иш кўзғатилди.

Хуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари маҳаллалар ҳаёти, уларга келиб-кетувчиларни қатъий назоратга олишган. Изчиллик, қатъиятлик туфайли «Гулистон» хўжалигида яшовчи Нафас Бобоқуловнинг кирдиқорлари фoш этилди. У ўз яқинларини, қариндошларини хавфли йўлга бошлаган. Оқибат натижада унинг ўзи кўпчилик ўртасида шармандай шармисор бўлди.

Шаҳар бедарвоза эмас. Ҳар бир юртда яшаш, кириб-чиқиш қонун-қоидалари бор. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни ва фуқароларни бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига келиши, кетиши, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги Қарори, «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низом талаблари ўрганилганда, жиддий қоидабузарликлар мавжудлиги аниқланди.

«Ширинобод» жамоа-ширкат хўжалигида қўшни республикадан кўчиб келган Эшқобил Жўраев оила аъзолари билан рўйхатдан ўтмасдан, бир неча йил шу ерда яшаган. Ажабланирлиси шуки, шахсини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган бу кишини мутасадди раҳбарлар бош ҳосилот, энтимо-

«Ишонч» фoш этади

Жалолқудуқлик кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳам халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда намуна бўлишяпти. Таъкидлашларича, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида 392 ҳуқуқий ва 456 нафар жисмоний шахс рўйхатга олинган.

Тадбиркору хунармандлар бир вақтлар унутилаётган ота касбларини қайта тиклаб, истеъмоли бозорини тўлдиршига муносиб ҳисса қўлишмоқда. Биргина Раҳбархон Абдуллаева оиласи томонидан тайёр-

норозилигига сабаб бўляпти.

Шу йилнинг июл ойида Қўрғонтепа нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўшма корхонасининг тақдимида этилган 26 тонна ун 23 тадбиркорга тарқатиб берилганди. Уларнинг аксарияти қопларда цементдек қотиб қолганини кўрган новвойлар хангу манг бўлишди. Тадбиркор Рўзиқон Абдуқодирова ҳар кун камиди минг донга турли хил бўрсилдоқ булочкалар тай-

НОВВОЙЛАРНИ КИМ ЧУВ ТУШИРДИ?

ланаётган булчаклар нонлар ўзининг сифати, таъми ҳамда арзонлиги билан истеъмоличиларга манзур бўлмоқда. Новвойлар оиласи «Бургутча» ва «Нефчи» болалар оромгоҳларини ҳам нон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

Тадбиркорларга керакли урни белгиланган фонд бўйича туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси этказиб беради. Таъминотда узилиш йўқ. Бирок, баъзи эгир-қўл, шахсий манфаатини ўйлаган кимсаларнинг енг учидagi ишлари новвойларни, омилкор кишиларни чув туширмоқда. Уларнинг ишдан қўнгли совиб, зарур неъматлар тайёрлашни бир маромда йўлга қўя олмаяптилар. Табиийки, бу истеъмоличилар

ёриб, аҳолига сотар экан. У қабул қилиб олган уни кўриб, хайратдан ёқа ушладик. Тошдек қаттиқ неъмат фойдаланишга яроқсиз эди.

— Қаранг, ҳали ҳаётда виждонни жигилдонга айлантирганлар ҳам учрайди, — дейди Рўзиқон опа. — Кўзбўямачилик туфайли ёлполмадик. Иқтисодий, маънавий зарар кўрдик. Ҳамкорликда ишлаётган ён-атрофимдаги новвойлар Тожиқон Қаҳҳорова, Азизбек Орипов ва бошқалар ҳам икки-уч кундан буюн ишламаётганликларини афсус билан таъкидлашди. Кези келганда таъкидлаш жоиз: барча кичик ва ўрта бизнес субъектларининг бир маромда ишлашига гап қўй. Яъни, тадбиркор-

лар сони қанчалик кўпайса, рақобат кучаяди. Рақобат бор жойда эса сифат бирламчи даражага қўтарилади, маҳсулот арзонлашади.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йўғилиш ҳужжатларида шундай сатрлар бор: тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожининг бекиёс аҳамияти ҳақида гап борар экан, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Мазкур муаммони ечиш орқали, яъни биз барча юртдошларимизни тадбиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасига жалб қилар эканмиз, уларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда зарур шарт-шароитларни яратиш берад эканмиз, шу билан жамиятимизни сиёсий, иқтисодий ва керак бўлса, маънавий жиҳатдан янгилашнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган асосий вазибалар — ўрта синф, мулкдорлар синфини шакллантириш вазибаларини ҳал этган бўламиз.




Ўйлиниб қолсан киши, ҳозирги кунда Президентимиз, давлатимиз томонидан тадбиркорлар кенг миқёсда қўллаб-қувватланган бир шароитда уларни алдаётган, қаллоблик қилиб, омилкорлар йўлига тўсқ қўётган кимсалар таска хатога йўл қўяётганликларини, гуноҳи азимга бoтаётганликларини наҳотки тушуниб этишмаётган бўлса?!

Ортиқ САИДОВ, «Ишонч» мухбири.






ЁЛКИН.

ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАКИЛЛИгининг
10
Йиллигига

ЖАННАТМАКОН БУ ЮРТ ЎЗБЕКИСТОНДИР, ФАРЗАНДЛАРИ СОДИҚ – БИР ТАНУ ЖОНДИР!



Биз учун мустақиллик – Аллохнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшайтган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажақ авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.
Ислом КАРИМОВ



Маънавиятимиз сарчашмалари

Эътиқодли ва иймонли кимсаларга, Бахш этарман шодлик, бардам руҳ!

Инсонга берилган ноёб фазилатлардан бири эътиқоддир. Эътиқодли инсон иймони бутун, лафзи ҳалол, ор-номусли бўлади. Улар ҳеч қачон ўткинчи ҳаю-ҳавасларга берилмайдилар, ўз эътиқодлари учун собит туриб курашадилар. Аждодларимиз эътиқоди мустаҳкам инсонлар бўлишган. Улар ўз эътиқодларини ҳар нарсадан устун қўйишган. «Авесто»да эътиқод қонун даражасида кўтарилган. Эътиқодсизлик айб саналиб, бундай инсонлардан ҳазар

кин. «Авесто» иймон-эътиқод каломи сифатида неча юз йиллардан бери инсониятни яхшилик йўлига бошлаб келмоқда.

Янги фуқаролик жамияти курилатган ҳозирги шароитда ҳам «Авесто» авлодларининг порлоқ келажagini ёритадиган ёруғ юлдуз бўлиб хизмат қилмоқда.

Бул онтни, бул дуони, зардўшт, Бегонага айтмасин ҳеч ким, - Майли, айтсин ота ўғлига,

«АВЕСТО»ДА ЭЪТИҚОД ТАЛҚИНИ

қилишган. Шу билан бирга эътиқодсизлар қаттиқ жазоланган. Парвардигор Ахура-Мазда Кутлуглади бу эътиқодни Эзгу Фикрат хоҳиши билан, Энг Мўътабар ҳақиқат билан. Ва Муқаддас Эзгулик билан Эътиқодни танлаб олдилар. Ва барҳаёт Авлиёлар ҳам Тан олдилар бу эътиқодни. Яратгучи Ахура-Мазда Саховатли Митрага олам Сарварлигин инъом айлади. Барҳаёт ул Валийлар сенинг Қўрадиллар сиймондан аён Олий ҳакам моҳиятини, Моҳиятин Хукмдорнинг ҳам Ва энг гўзал афоринишда Эътиқодни поклайдирсан сен.

Аждодларимиз эътиқодни эъзозлаб, «Эзгу Фикрат», «Мўътабар Ҳақиқат», «Матлуб Ҳакимлик», «Муқаддас Эзгулик» дея шарафлаганлар. Чунки, у қуёшдек юсак, қуёшдек ҳокисор, нур каби тоза. Аммо бундай соф эътиқодга осонликча эришилмаган, у машаққатли курашларнинг мевасидир. «Авесто»даги илоҳий калималар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. У айниқса ўтиш даврига хос айрим бўшлиқларни тўлдиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. «Мана, шундай бир вазиятда, - деган эди Йўлбошчимиз Ислол Каримов, - одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимида, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъйиқларига бардош бериши амримаҳол».

Инсон — изчил ва онгли эътиқод ё жамият таъсири остида ёки адабиёт ёрдамида камол топиши мум

Ога айтсин ўз жигарига. Муридига айтсин муриди, Қудратлидир бу калималар, Қудратлидир ва мустаҳкамдир, Қудратлидир, хуш сўзлашлидир,

Қудратлидир ва нажотбахшидир, - Ана шундай улугдир бу сўз. Ким, жазога гирифтор жоннинг, - Бошин омон сақлагидир у, Ва ортига қайтарар туйқус Кўнган зарбани.

Ҳа, эътиқод аждодларимиз учун ҳамма нарсадан устун қўйилган. Илоҳий калималар улар наздида «Энг қудратли», «Энг мустаҳкам»дир. «Хуш сўзли» ҳам. У Зафарпеша ҳам. У «Нажотбахш», «Энг улуг» ҳам илоҳий сўзлардир.

Эътиқодсизларга «Авесто»да муносиб баҳо берилди. У девларнинг калласини Пачоқлайдир, жазолайдир. Эътиқодсиз аҳдсизларни Шафқатсиздир гар кимда-ким. Ёлгончидир, субутсиздир, Маҳф айлар афсункорларни Улким агар алдамаса бани башар,

Саодатга элтгусидир. Улким агар алдамаса бани башар, Мамлакатни голибият сари элтар, Улким агар алдамаса одам аҳли.

Не бахтки, «Авесто» маънавият сарчашмаси сифатида авлодлари қалбига ҳамон эътиқод нурини сочмоқда. Бу нурдан мамлакат янада обод, эл фаровон бўлгусидир.

Мусокул УСМОНОВ, профессор.

Ёз гашти ўзгача

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ «ЛОЧИН» БАҒРИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини энгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг энг сўлим ва баҳаво гўшаларида жойлашган санаторий ва санаторий-профилакторийлар, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Оролбўйи оналари ва болалари дам олмақдалар. Қуни кеча азим Тошкентнинг хушманзара масканидаги Олий ўқув юртлиари «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам 200 нафар қорақалпоғистонлик, 160 нафар хоразмлик ўғил-қизларни ўз бағрига олди.

Айтиш жоизки, оромгоҳда болажонларнинг кўнгилдагидек хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўғил-қизлар ажойиб сув ҳавзасида чўмилиб, офтобда тобланадилар. Спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш билан бирга маданият-маърифий тадбирларда ўз билим ва маҳоратларини синаб кўрадилар.

Бундан ташқари, уларни шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига, ҳайвонот боғига саёхатга олиб бориш ҳам кўзда тутилган. Уларнинг саломатлигини дои-



мий равишда шифокору ҳамширалар назорат қилиб турадилар. Муҳими оромгоҳ зарур дори-дармон воситалари, дармондориларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминланган. Оромгоҳнинг очилиш маросимида Оролбўйи болаларининг ўзлари бетакор концерт дастури тайёрлаб, йиғилганларга тақдим этдилар.

— Бугун Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги шодиёналарига мамлакатимизнинг ҳар бир туману шаҳарларида қизгин тайёргарлик кўрилмоқда, - деди очилиш маросимида сўзга чиққан Таълим ва фан ходимлари касабасига уюшма Марказий кўмитаси раиси Зоиржон Қодиров. — Биз ҳам ушбу улғайибга бағишланган турли тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдамиз. Бунда айниқса, болажонларга алоҳида эътибор берилган. Чунки, болалар бизнинг келажакимиздир. Президентимизнинг Ватанимиз болаларига меҳрибонлиги боис, соғлом авлодни вояга етказиш йўлида янги-янги ташаббуслар, хайрли ишларга қўл урилмоқда. Сизларнинг мана шундай сўлим масканларда хордиқ чиқаришингиз ҳам ушбу ташаббуслар самарасидир.

М. ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири. И. ХАСАНОВ олган суратлар.



МУРАББИЙЛАР ЙИГИНИ

Ўзбекистон миллий олимпия кўмитасида «Халқаро даражадаги юқори малакали баскетболчиларни тайёрлаш» мавзусида семинар ўтказилди.

Баскетбол бўйича жаҳондаги машҳур спортчилар, мураббийлар эришган ютуқларни ўрганиш мақсадида ушбу семинарни ташкил этдик, - деди Миллий олимпия кўмитасининг президенти Собир Рўзиев. - Шунингдек, бундай семинарларни йилда икки марта таъин мунтазам равишда ўтказишим ҳам келишиб олдик.

Семинарда ташриф буюрган мураббийлар Халқаро баскетбол федерациясининг эксперти, югославиялик Вадим Марковиц маърузаларини тинглаш билан бир қаторда терма жамоа ўйинчиларининг маҳорати билан ҳам яқиндан танишди.

«ТРАКТОР»

«у й жамоаси» бўлмай қолди...ми? «Трактор» кўп йиллардан бери «уй жамоаси» сифатида шаклланиб, очиги, ўз мухлисларини бунга ўргатиб қўйган эди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Қуни кеча Навоийнинг «Зарафшон» клубини қабул қилгунга қадар ўз майдонида ўтказган учрашувларда бир марта мағлубият, битта дураниги ҳисобга олмас, қолган етти ўйинда галаба қозонган, тўлланган 24 очкони нақ 22 тасини ўз мухлислари олқишлари остида қўлга киритганди. Матчнинг 4-дақиқасидаёқ Илҳом Мўминжонов томонидан амалга оширилган гол бу гал ҳам «Трактор» ўз аънанасига содиқ эканлигидан далolat бергандек эди.

Аммо иккинчи бўлимда аҳвол тубдан ўзгарди. Максим Николаев ва Зокир Бердиқулов киритган икки тўп тошкентликларни қийин аҳволга солиб қўйди. Ҳар қанча уринишмасин, қатор қулай вазиятлар вужудга келтирилган бўлса-да, 1:2 ҳисоби учрашув охиригача ўзгармай қолди. «Трактор» иккинчи марта ўз майдонидан бош эгиб чиқиб кетди.

Нега шундай ҳол юз берди? Балки, бу тасодифдир? «Зарафшон» футболчиларининг астойдил ҳаракат

голларга бой тарзда кечди. Буни тўққиз ўйинда жами 37 та тўп дарвозалардан олиб чиқилганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. «Нефтчи» жамоаси «Металлург»ни, «Академия» эса «Турон»ни бир хил - 5:1 ҳисобида мағлуб этдилар. Самарқандда ўтказилган учрашувда ҳам ишқибозлар олтига голнинг гувоҳи бўлдилар. Фақат бу гал омад меҳмон команда — «Дўстлик»ка қулиб боқди. Ҳисоб - 2:4. Қаршининг «Насаф» жамоаси ҳам «Сурхон»ни қабул қилиб, муҳим уч очкони қўлга киритди - 2:0. Бундан беш кун муқаддам 18-турнинг қолдирилган ўйинида «Дўстлик»ни 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, мухлисларига оламолам қувонч бахш этган «Андижон» яна зафар қўчди. Янги асрининг биринчи кубоги соҳиби «Пахтакор» устидан қозонилган галаба (1:0) андижонликлар ўз ўйинларини топиб олаётганлигидан дарак беради.

Қолган учрашувларда қуйидагича натижа қайд этилди: «Бухоро» - «Семурғ» - 4:2, «Қизилқум» - «Навбахор» - 3:1, «Сўғдиёна» - «Кимёгар» - 2:1.

21-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Table with columns: Жамоалар, ў, Ю, Д, М, Т-Н, О. Lists 18 teams and their statistics.

«БОБУРНОМА» 470 ЁШДА

Андижонда ўтказилган республика анжумани Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўлмас асари — «Бобурнома»нинг 470 йиллигига бағишланди.

«Бобурнома» — буюк шоир, муаррих, саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари ҳисобланади. Мазкур китоб Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон халқларининг тарихи, ҳайвонот ва наботот олами, муסיқаси, миллий урф-одатлари, тиббиёт ва жуғрофияга оид маълумотлари тўғрисида бой маълумотларни тақдирлаган эгаллиги билан неча асрлардан буён олим ва тадқиқотчиларни ҳайратга солиб келди.

Анжуманда сўзга чиққанларнинг таъкидлашича, бугунги кунда «Бобурнома»ни кенг китобхонлар оmmasига таништи зарурати туғилди. Чунки, мустиқ юрт фарзандлари бу бебаҳо бадийи ҳазина билан ошно бўлиб, улкан билим чашмасидан баҳраманд бўладилар.

Анжуманда Ўзбекистон, Қирғизистон, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш давлатларидан тарихчи олимлар, Бобуршунослар, адиб ва шоирлар ва жамоат арбоблари иштирок этдилар.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаоноблар! Республика Кўчмас мулк биржаси Сўз азизларга 2001 йил 9 сентябр кунин белгиланган аукцион савдоси 12 сентябр кунин ўтказилишини маълум қилади. Мурожаат учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75

Эгри иш — келтирар ташвиш

НАЙРАНГИ ЎТМАДИ

Ноқонуний бойлик орттиришга уринишнинг охири «вой» бўлишини билса-да, Зайнобиддин Аюбов ўзини бундай хатти-ҳаракатдан тия олмади. Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари уни мўмайгина пули ишлаб олиш имкони-яриндан маҳрум қилди. З.Аюбов бошқарувидаги «КАМАЗ» Денов туманидаги «Хайробод» ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш масканида ўтқатилганида, негадир ҳайдовчи шошилиб турганини баҳона қила бошлади. Юқондаги пиёз тўлдирилган қоплар пастга туширилганида, безовталикнинг сабаби аён бўлди. Қоплар тагига 2,5 тонна алюмин металл парчалари яширилган экан.

Найранги ўтмаган З.Аюбов энди ўз қилмишини терговчиларга изоҳламоқда.

ҚАЛЛОБЛАР ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

Қонунбузарлик билан пул топаман, деганларнинг юзи шувут бўлиши тайин. Тожикистон Республикаси Турсунзода туманида яшовчи Сумбула Каримова 150 литр ўсимлик ёғини, Наманган вилояти Давлатобод туманида истикомат қилувчи Феруза Маматхонова 100 минг сўмлик турли хўжалик молларини қўшни республика ҳудудида хуфёна йўллар билан олиб ўтаётганида Сариосиё тумани чегара масканида чўз тушди.

Узун туманида яшовчи Равшан Ҳасанов ва Шавкат Муҳаммадиев ҳам шу йўсинда қўлга тушди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматида хабар беришларича, бундай қаллобларни фош этишда Сурхондарё вилоятининг маҳалла ва халқ посбонлари фаол иштирок этмоқда.

БОЛАЛИК БЕГУБОР ФАСЛ

Айниқса, инсон болалигида турли нарсаларга қизиқувчан бўлади. Шундай паллада кимдир йўл-йўриқ кўрсатса, уларнинг қизиқишларини мақсадли йўналтири ола, демакки қандайдир натижага эришиш мумкин. Айниқса, болажонларнинг ёзги дам олиш пайтида уларнинг вақтларини сермазмун ўтказишни режалаштириш барча катталарнинг бурчи.

Навоий вилояти касабасига уюшма кўмиталарига қарашли болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари

ОРОМГОҲЛАРАРО БЕЛЛАШУВ

ўртасида спортнинг кураш, энгил атлетика, шашка, шахмат турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Ушбу мусобақаларда Қизилтепа тумани Дўстлик оромгоҳи ўғил-қизлари спортнинг барча турлари бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Хатирчи тумани «Пўлкан шоир» номи оромгоҳи вакилларига иккинчи ўрин, Навбахор тумани «Ўзбекистон» болалар оромгоҳи вакилларига эса

учинчи ўрин насиб этди. Мусобақа голиблари вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касабасига уюшма кўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Спорт мусобақаси давомида эса «Усмир ва қонун» мавзусида суҳбат бўлиб ўтди. М. ТўРАЕВА, Навоий вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти етакчи мутахассиси.

Тахир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қотибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 21.30

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.